



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 3 июль, № 135 (9030)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2 июль куни давлат ташрифи билан Боку шаҳрига келди.



Пойтахтдаги Хайдар Алиев номидаги аэропортда давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Якуб Аюбов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

«Зағулба» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев самимий кутиб олди.

Давлат маҳфиялари янгради. Ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул давлат раҳбарлари олдидан саф тортди ўтди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев тор доирада учрашув ва Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилишини ўтказдилар.

Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида кооперация ва алмашинувларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз бу галги давлат ташрифи ва Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган йилда ўтаётганини алоҳида таъкидлади.

— Муносабатларимиз тарихда ҳеч қачон бугунгидек юксак даражада бўлмаган, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Президентлар кўп қиррали ҳамкорлик барча даражаларда жадал ривожланиб бораётганини қайд этдилар. Куни кеча Хива шаҳрида биринчи Парламентлараро форум бўлиб ўтди. Боқуда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва Худудлар форуми самарали ўтди. Яқинда Андижонда илк бор ректорлар форуми ташкил этилди, 60 дан ортиқ шартнома имзоланди. Озарбайжоннинг «Ширвон» ансамбли Хива бахшичилик фестивали Гран-присини қўлга киритди.

Иқтисодий кооперация йилида товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ошди. Лойиҳалар портфели 4 миллиард долларга етган. 300 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Парламентлар, ҳукуматлар, вазирликлар ва худудлар даражасидаги амалий ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди. Халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажмини йилга 1 миллиард долларга етказиш имкониятлари атрофлича кўриб чиқилди. Саноат, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм, банк ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган алоҳида Кооперация дастури қабул қилинаётгани таъкидланди.

Қўшма инвестиция компанияси фаолиятини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Тадбиркорлар кенгаши ҳамда Саноат ва иқтисодий зоналар форуми каби ҳамкорликнинг янги форматлари қўллаб-қувватланди.

Транспорт-коммуникация соҳасидаги шерикликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўрта йўлакни ривожлантиришда иштирок этиш

лоийҳалари муҳокама қилинди.

Ушбу йўлак орқали ташिलाётган Ўзбекистон юклари ҳажми 25 фоизга — 1 миллион тоннадан зийда ошгани мамнуният билан қайд этилди. Бундан ташқари, жорий йил март ойидан бошлаб юк ташишда электрон рухсатномаларга ўтиш таъминланди.

Шунингдек, Европага электр энергиясини экспорт қилиш бўйича қўшма лойиҳани тайёрлашни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Дипломатик муносабатлар юбилейни муносиб нишонлаш мақсадида томонлар жорий йилнинг кузида қатор қўшма маданий ва ёшлар тадбирларини ўтказишга қарор қилдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мажлисида Ҳукуматлараро комиссия ҳамраислари, транспорт, энергетика ва маданият вазирларининг музокаралар кун тартиби юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш якунлари бўйича «Йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

Боку шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши қарорини қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар алмашилди. Шу жумладан:

— Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани 2025 — 2029 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»;

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Фан, касб-ҳунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— 2025-2026 йилларга мўлжалланган саноат кооперацияси дастури;

— 2030 йилга қадар товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш дастури;

— 2025 — 2027 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси;

— 2025 — 2027 йилларда ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси;

— Кемачилик ва кемасозлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Тошкент вилояти ва Сумгаит шаҳри, Навоий ва Габала шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги келишувлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар якунлари юзасидан фикр билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари сўзининг авалида Ўзбекистон Президент Илҳом Алиев раҳбарлигида Озарбайжонда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар ва мамлакат эришаётган юксак натижалардан чин дилдан хурсанд эканини таъкидлади.

— Сиз отангиз ва ҳар бир озарбайжонликнинг азалий орзусини рўёбга чиқардингиз — мамлакат худудий яхлитлигини тикладдингиз. Қайтариб олинган худудларнинг иқтисодиёти ва инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича фаол иш олиб бораёсиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Озарбайжон Ўзбекистоннинг ишончли иттифоқчиси ва стратегик шериги экани таъкидланди. Бизнинг мақсадларимиз, қарашларимиз ва интилишларимиз ўхшаш. Халқларимизни азалдан қардошлигимиз ва ўзаро ишончимиз асосини ташкил этаётган тарих, қадриятлар, тил ва маданият боғлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари бўлиб ўтган Олий давлатлараро кенгаш иккинчи йиғилишининг самарали натижаларини, унинг якунида муҳим қарор ва келишувлар қабул қилинганини юксак баҳолади.

Бу галги саммитга жиддий тайёргарлик кўрилгани таъкидланди. Биринчи Парламентлараро форум, Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, худудлар ва ректорлар форумлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, қатор маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани кенг қўламли амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро майдонда яқин алоқалар-

ни мустаҳкамлаш ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга қатъий интилиш тасдиқланди. Қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий муаммолар бўйича позициялар мос келиши қайд этилди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон барча ўткир муаммо ва зиддиятларни фақат тинч йўл билан, дипломатик саъй-ҳаракатлар орқали ҳал этиш тарафдори эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида икки томонлама савдо ва инвестициялар ҳажмини яқин йилларда 1 миллиард долларга етказиш бўйича қўшма амалий чоралар кўришга келишиб олинди. Савдо ва кооперацияни рағбатлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинди.

Президентимиз таъкидлаганидек, амалга оширилаётган ишлар самардорлигини ошириш мақсадида ҳамкорликнинг амалдаги форматлари кенгайтирилади ва янги форматлари йўлга қўйилади. Гап Тадбиркорлар кенгашини тузиш ҳамда Саноат ва иқтисодий зоналар форумини ўтказиш ҳақида бормоқда.

Етакчилар транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратдилар. Бугунги кунда мамлакатларимизни боғлайдиган ва бошқа стратегик йўналишларга чиқиш имконини берадиган Ўрта йўлак фаол ривожланаётгани таъкидланди. Хусусан, баҳордан бошлаб ушбу йўлакда электрон рухсатномалар ишга туширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон юкларини ташиш ҳажми 25 фоизга ошди. Уларнинг йиллик ҳажми бир миллион тоннадан ортди.

Европага «яшил» энергия экспорти бўйича қўшма лойиҳани илгар сурешда эришилган ютуқлар қайд этилди.

Ўзбекистонда бўлажак «Озарбайжон» боғи ва ноёб «Sea Breeze» сайёҳлик мажмуаси лойиҳалари фаол тайёрланаётгани таъкидланди.

Жорий йилда икки қардош мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланиши муносабати билан ушбу муҳим санага бағишланган йирик тадбирлар, концертлар ва ёшлар форумларини биргаликда ўтказишга келишиб олинди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари ҳамкорликка оид қўшма лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаётгани учун озарбайжонлик ҳамкасбига миннатдорлик билдирди. Озарбайжонга бу галги давлат ташрифи натижалари иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга, қардош мамлакатлар ва халқларнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи доирасида Боку шаҳрида «Ўзбекистон» боғига тамал тоши қўйишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Янги боғ пойтахтнинг нуфузли ва

жадал ривожланаётган «Оқ шаҳар» мавзесидан ўрин олди.

Лойиҳага кўра 4,5 гектар майдонда Ўзбекистоннинг бой маданияти ва анъаналарини намойиш этадиган улкан мажмуа барпо этилади.

Боғ худудида юртимиз меъморий обидалари нусхалари, сайилгоҳлар, яшил худудлар, меҳмонхона, турли савдо ва кўнгилочар масканлар ташкил этилади. Бинолар қурилиши ва безағида ўзбек миллий меъморчилиги анъаналари ҳамда нақшларидан фойдаланилади.

Маросимда икки давлат раҳбарлари биргаликда боғ пойдеворида рамзий капсула қўйиб, ушбу муҳим лойиҳа қурилишини бошлаб бердилар.

Шундан сўнг мамлакатимизнинг Боку шаҳридаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев иштирок этдилар.

Етакчилар рамзий тасмани кесиб, дипломатик ваколатхонанинг янги биносини тантанали равишда очдилар.

Давлат раҳбарлари дипломатларнинг икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган самарали фаолияти учун яратилган шароитлар билан танишди.

Элчихона заллари Ўзбекистон худудлари номи билан аталган. Президентимиз халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамзи сифатида заллардан бирига Қорабоғ номини беришни таклиф этди.

Яқунда Президентлар элчихонанинг Фахрий меҳмонлар китобига тиллақларини ёзиб қолдирдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжонга давлат ташрифининг биринчи куни якунида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ҳамроҳлигида «Sea Breeze» дам олиш мажмуаси фаолияти билан танишди.

Ташриф чоғида Каспий денгизининг Фарбий соҳилидаги ушбу йирик халқаро сайёҳлик маркази фаолияти ҳақида тақдимот ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига бу ерда яратилган шароитлар, дам олиш зоналари, пляжлар, спорт майдончалари, меҳмонхоналар, коттежлар ва тураржой мажмуалари ҳақида маълумот берилди.

Лойиҳа замонавий «Каспий ривъераси»га айланган. Курорт қарийб 500 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда 6,5 километрлик пляж зонаси, 150 гектар майдонда яшил худудлар ва дам олиш объектлари мавжуд бўлиб, 700 мингга яқин дарахт ва буталар экилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН АЛОҚАЛАРИ — ГЛОБАЛ ИҚЛИМ МУАММОЛАРИ ШАРОИТИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи арафасида ушбу мамлакатнинг етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари бағишланган туркум мақолалар эълон қилинмоқда.

Хусусан, «525-газета» янгиликлар порталида Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчиси Баҳром Ашрафонов билан интервью эълон қилинди.

Унда дипломат Озарбайжон билан эришилган шериклик даражаси ҳамда

барча соҳадаги ҳамкорлик ютуқлари ҳақида батафсил сўзлаб берган.

Интервьюда Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳамкорлиги глобал иқлим муаммолари шароитида муваффақиятли минтақавий шериклик намуна-

сини кўрсатаётгани қайд этилган.

“Сўнгги йилларда халқаро конференцияларда, жумладан, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ҳам фаол тажриба алмашилмоқда. Бу ҳамкорлик юқори даражадаги вазирлар учрашувлари, делегациялар алмашинуви ва муҳим халқаро форумларда биргаликда қатнашиш орқали мустаҳкамланяпти.



Фикр

ҚАДРИЯТЛАР ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида 1995 йил 2 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлса-да, бу буюк икки халқни асрлар, минг йиллар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар, қардошлик ришталари мавжуд.

Мамлакатларимиз давлат мустақиллигига эришгач, тарихий дўстлик ва қардошлик муносабатлари янада ривожланиб, бугунги кунда стратегик даражага кўтарилди. Икки мамлакат Президентларининг сиёсий иродаси, узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати, ҳеч муболағасиз, дўстлик алоқаларига янги руҳ бағишлади.

Икки давлат ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик очиқ ва конструктив му-

лоқот тамойилларига асосланади. Мамлакатларимиз ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги мунтазам маслаҳатлашувлар, БМТ, Қўшилмаслик ҳаракати, ТДТ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа минтақавий ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги яқин шериклик минтақавий ва глобал ривожланишнинг қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича Ўзбекистон ва Озарбайжон по-

зицияларининг ўхшашлигини тасдиқлайди.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда. У 2024 йил якунига кўра 250 млн. доллардан ошди. Шу билан бирга, томонлар келгуси йилларда уни бир неча баробар оширишга интилаётир. Бунга мамлакатлар ўртасида ўрнатилган эркин савдо режими ва жорий йилнинг июнь ойида Боқуда сўнгги йиғилиши бўлиб ўтган ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия яқиндан кўмаклашмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН АЛОҚАЛАРИ – ГЛОБАЛ ИҚЛИМ МУАММОЛАРИ ШАРОИТИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК НАМУНАСИ

2023-2024 йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон вакиллари иқлим бўйича қатор муҳим тадбирларда иштирок этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси (COP28 ва COP29) иштирокчилари конференциясининг 28 ва 29-сессияларида қатнашиш алоҳида аҳамиятга эга бўлди”, деган элчи.

Ўзбекистон расмий вакили, шунингдек, ёшлар ва таълим соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишига айланганини урғулаган. 2023-2024 йилларда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Халқаро экологик оромгоҳда озарбайжонлик ёш фаоллар ҳозир бўлди. Тадбир “Замин” жамғармаси шафелигида вазириклар ва халқаро ташкилотлар иштирокида маданиятлараро алмашинувни ривожлантириш ва янги авлоднинг экологик онгини шакллантириш мақсадида уюштирилди.

“Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги экология ва иқлим ўзгариши соҳасидаги шериклик муносабатлари нафақат икки давлат, балки бутун минтақа барқарор ривожланишининг муҳим омилга айланаёттир, — дейди мамлакатимиз дипломатик миссияси раҳбари. — Иқлим дипломатияси, илмий алмашинув, экологик таълим ва халқаро ҳамкорлик соҳасидаги қўшма қадамлар табиатни муҳофаза қилиш ва келажак авлодлар учун экологик хавфсизлиكنи таъминлашга қаратилган келгуси ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратди”.

Озарбайжонда оммабоп бўлган “Turkic World” янгликлар портали икки томонлама шерикликнинг асосий устувор йўналишлари ва унинг натижаларига бағишланган “Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлиكنи чуқурлаштиришга таҳлилий ёндашув” сарлавҳали мақолани ўз ўқувчилари эътиборига тақдим этди.

Нашрда сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармовявий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг стратегик хусусиятини акс эттирган ҳолда жадал ривожланиб бораётгани таъкидланган. “Икки мамлакат ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини фаол ошириб, ўзаро етказиб бериш турларини, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, нефть-кимё ва машинасозлик соҳаларида кенгайтиряпти”, дейилади материалда.

Мақолада ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари бўйича муҳим маълумотлар келтирилган. “Сўнгги 8 йил ичида товар айирбошлаш ҳажми 7,8 баробар ошиб, 2024 йилда 253 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистоннинг Озарбайжонга экспорти 7,5 баробар ортиб, 208 миллион долларни, импорти эса ўтган йили 9 баробарга ошиб, 45 миллион долларни ташкил қилди”, деб ёзилган электрон порталда.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2024 йил сентябрь ойида Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази делегацияси мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўрганиш

мақсадида Озарбайжонга ташриф буюргани хабар қилинган. “Бу тажриба давлат сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнига интеграциялашган амалий таҳлилий иш моделига айланди. Ташриф доирасида давлат органлари, махсус иқтисодий зоналар, илмий-тадқиқот институтлари ва тадбиркорлик субъектлари билан 20 дан ортиқ учрашувлар уюштирилди. Ўрганиш давомиди 18 та тармоқ бўйича қиёсий таҳлил ўтказилди, жумладан, асосий кўрсаткичлар, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, инвестиция салоҳияти, товарларнинг қиёсий афзалликлари ва асосий ислохотлар урганилди”, дея қайд этилади манбада.

Таъкидланишича, 2024 йил ноябрь ойида Озарбайжон делегациясининг Ўзбекистонга жавоб ташрифи ташкил қилинди. Ташриф доирасида давлат органлари, махсус иқтисодий зоналар, тадбиркорлик субъектлари ва олий таълим муассасалари вакиллари билан 14 та учрашув ўтказилди. Учрашувлар аяунлари бўйича озар делегацияси мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг кейинги йўналишлари бўйича таклифлар ўйхатини тайёрлади.

“Икки ташрифдан сўнг билдирилган таклифлар келгуси 5 йилга мўлжалланган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик бўйича “Йул харитаси” лойиҳасига киришти учун кўриб чиқилмоқда. Шундай қилиб, таҳлилий доираларнинг ўзаро ташрифларининг синовдан ўтган модели аллақачон амалий таҳлилни институционаллаштириш ҳамда саноат ва рақамли ривожланишни жадаллаштириш намунасига айланиб бормоқда”, дея урғуланган “Turkic World” мақоласида.

Мазкур давлатнинг етакчи босма нашрларидан бири — “Yeni Safak” газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистон ва Озарбайжон юқори қўшимча қийматга эга бўлган ҳамда иқтисодиётлар учун сезиларли даражада фойда берувчи ишлаб чиқариш тармоқларида истиқболли лойиҳаларни излаш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратаётгани маълум қилинган.

“Бу йўналишда Ўзбекистонда ривожланган тўқимачилик ва тикувчилик тармоғи туфайли катта талабга эга бўлган янги углеводород маҳсулотлари, масалан, синтетик газламалар, шунингдек, кенг қўлланлиши мумкин бўлган углеводород толасини қўшма ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истиқболли кўринади”, деб таъкидланади материалда.

Шунингдек, мақолада агросаноат, транспорт, савдо, туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари батафсил таҳлил қилинган.

Мақола “Ўзбекистон ва Озарбайжон тажрибаси, илмий тадқиқот фаолияти ва тадбиркорлик амалиётининг яқин интеграцияси нафақат ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилаш, балки уларни давлат даражасида муваффақиятли амалга ошириш имконини беради”, деган сўзлар билан аяунланган.

“Дунё” АА.
Боку

Сенатор ва ҳаёт

Мурожаатларга ечим топилди

2 июль куни Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Унда Қашқадарё, Андижон, Хоразм, Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган фуқароларнинг мурожаатлари эшитилди. Уларда, асосан, моддий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорлик фаолиятида амалий қўмак бериш масалалари кўтарилган.

Фуқароларнинг муаммоларини атрофлича ўрганган сенатор уларни ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилишини таъминлади. Жумладан, масалаларни самарали ҳал этиш мақсадида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси мутасаддилари билан алоқа ўрнатилиб, вазиятни назоратга олиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ чоралар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».



САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ПЛАТФОРМАСИ

Мусо ГУЛИЕВ, Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси аъзоси, Меҳнат ва ижтимоий сиёсат қўмитаси раиси:

— Ўзбек ва озар халқлари тили, дини, қадриятлари, урф-одатлари, маданияти бир-бирига жуда яқин бўлган қардош миллатлардир. Анжуман бўлиб ўтган воҳа — Хоразм шеvasи ва озар тили бир-бирига яқинлигидан биз таржимонсиз бир-биримизни тушунамиз. Шу маънода, туркий халқлар бирдамлиги жуда муҳим. Бугунги конференциянинг асосий мақсадларидан бири ҳам ана шу бирдамлиқни мустаҳкамлаш, дўстлик ва ҳамкорлиқни кучайтиришдир. Форумда дўстлик гуруҳлари фаолиятини кенгайтириш, уларни парламентлараро комиссиялар даражасига кўтариш, қўшма қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқиш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, рақамли трансформация ва экология каби устувор йўналишларда ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Мулоқот жараёнида ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан фикрларимиз муштарак экани яна бир бор намоён бўлди.

Сайёра АБДУКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари:

— Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида ўзаро дўстлик ҳамда яқин ҳамкорлик муносабатларининг қарор топишида икки давлат раҳбарлари — Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг олий даражадаги учрашувлари, самимий мулоқотлари муҳим аҳамият касб этади. Айни шу сазй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди. Бу сиёсатдан тортиб иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар, таълим ва маданият соҳаларини қамраб олмоқда.

Шу ўринда айтиш лозим, кейинги

беш йилда ўзаро савдо ҳажми икки баравар, қўшма корхоналар сони беш бараварга ошди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Озарбайжон капиталли иштирокида 240 дан ортиқ компаниялар фаолият юритмоқда. Худудлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Форум ўтказилган Хива шаҳри билан Озарбайжоннинг тарихий Шуша шаҳри ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган. Форумда икки мамлакат парламентлари, шунингдек, худудий



кенгашлар ўртасида ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган қатор масалалар муҳокама қилинди.

Бехтиёр АЛИЕВ, Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси депутати:

— Ўзбекистонга илк келишимдаёқ юртингизнинг гўзал табиати, қадимий шаҳарлари ва меҳмондўст халқи катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтди. Бетакрор Хивада ташкил қилинган форум мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш, парламентлараро

мулоқотни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилди. Форум доирасида ўтказилган панель сессияларда қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва фаолияти билан боғлиқ қўллаб масалаларда ўзбекистонлик сенаторлар ҳамда депутатлар билан фикр ва тажриба алмашдик.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу анжуман парламентларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янги форматда ривожлантиришга туртки беради. Яна бир

ҳокама марказидан ўрин олди. Панель сессияларда қонун ижросини назорат қилиш, бизнес ва инвестиция муҳитини яхшилаш, рақамли ислохотлар, киберхавфсизлик, маданият ва туризм соҳаларидаги алоқалар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни каби мавзуларга эътибор қаратилди. Келгусида бундай мулоқотларни доимий йўлга қўйишга келишиб олинди.

Ишончим комилки, Озарбайжон ва Ўзбекистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик бизнес ва инвестициялар ривожини учун янги уфқларни очади, ҳамкорликдаги сазй-ҳаракатларимиз мамлакатларимиз фаровонлиги ва ривожининг қалолатига айланади.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Форумда музокаралар давомидида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳаларда ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ёшлар ўртасида маданий-гуманитар лойиҳаларни йўлга қўйиш масалаларига ҳам кенг ўрин берилди. Мен дуал таълим борасида Ўзбекистон эришган ютуқлар ҳақида гапириб бердим ва бу йўналишдаги янгиликлар озарбайжонлик ҳамкасбларимизни ҳам жуда қизиқтириб қўйди. Озарбайжон билан дуал таълим борасида ҳамкорликда жуда катта лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари мавжуд ва бу юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

Форумда 2025-2026 йилларга мўлжалланган парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (“Йул харитаси”), шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги парламент ҳамкорлигини институционаллаштиришда муҳим қадам бўладиган Парламентлараро комиссия фаолияти регламенти имзоланди.

«Халқ сўзи».

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ — ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Тили ва дили бир-бирига яқин икки мамлакат халқ вакилларини бир жойга жамлаган нуфузли Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтказилди.

Форум доирасида икки мамлакат парламентлари вакиллари ўртасида кечган мулоқотларда ҳамкорлиқни кенгайтириш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича долзарб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Асосийси, шу йўналишларда ҳаётга татбиқ этиладиган ишларни қамраб олган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Парламентлараро ҳамкорлиқнинг асосий тамойил ва устувор йўналишларини акс эттирувчи Хива декларацияси, 2025-2026 йилларга мўлжалланган парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (“Йул харитаси”), Парламентлараро комиссия регламенти шулар жумласидан.

Шу ўринда форумда хотин-қизлар ва ёшлар масалалари эътибор марказида бўлганини таъкидлаш жоиз. Айни масалага бағишланган алоҳида учрашувда икки мамлакат парламент аъзолари ўзаро тажриба алмашди, ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олди.

Хусусан, “Жамият ва давлат тараққиётида хотин-қизлар ва ёшлар овози: парламент истиқболи” мавзуида бўлиб ўтган панель сессияда аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, уларни қонунчилик йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда икки давлат парламентлари ўртасида тажриба алмашинувини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Сессия доирасида аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни зўравонлик ҳамда камситишлардан ҳимоя қилиш, касбий ва оилавий ҳаёт мубозанатини таъминловчи қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, STEM, IT ҳамда ин-

новацион соҳаларда имкониятларини кенгайтириш ва улар учун хавфсиз, инклюзив ҳамда барқарор ижтимоий муҳит яратиш каби устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Озарбайжон Миллий Межлиси аъзоси Танзила Рустамхонли бу борадаги Ўзбекистон тажрибасини эътироф этиб, парламент даражасидаги алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига чиқди. Давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси билан шаклланган мазкур алоқалар савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларида фаол ривожланмоқда. Айниқса, парламентлараро алоқалар икки халқ ўртасидаги дўстлиқни чуқурлаштиришда муҳим воситага айланди.

Форумда қўзланган мақсад ҳам шу бўлиб, ўзаро мулоқотлар давомидида икки томонлама қонунчиликни уйғунлаштириш, парламент назоратини кучайтириш, худудий кенгашлар ва муниципалитетлар ўртасида ҳамкорлик платформаларини йўлга қўйиш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Икки мамлакат парламентлари ўртасида хотин-қизлар ҳамда ёшларга оид қонунчилик бўйича тажриба алмашиш ва ушбу йўналишда қўшма ташаббусларни давом эттиришга келишиб олинди.

Хива форуми мулоқотга бой, самарали ва очиқ руҳда ўтди. Бу нуфузли анжуман парламент дипломатиясининг юксак намунаси ҳамда муҳим босқичи сифатида тарихга муҳрланди.

Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

Боку шаҳридаги Ҳайдар Алиев марказида «Айланма иқтисодиёт ва барқарор экотизим» мавзуида ўтказилган халқаро анжуманда Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистоннинг яшил тараққиёт йўли» китоби эътироф этилди.

Акс садо

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизда ёшларга нафақат эртанги ўзгаришларга сабаб бўладиган муҳим куч, балки жамият тараққиётининг мустаҳкам таянчи сифатида қаралади. Ёшлар том маънода Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, ёруғ келажагимиз бунёдкоридир.

Президентимиз раҳбарлигида ёшлар сиёсати бўйича олиб борилаётган ишлар дунё миқёсида тан олинмоқда ва ислохотлар самарасини йигит-қизларимиз ўз кундалик ҳаётида сезмоқда, хис этмоқда.

Ушбу йўналишдаги фаол ислохотлар натижасида айни вақтда 30 нафар йигит-қизимиз дунёдаги “ТОП-10”, 500 нафари “ТОП-100” ва 1,5 минг нафари “ТОП-300”дан жой олган нуфузли университетларда тахсил олмоқда. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ҳаётга самарали татбиқ этилиб, унинг доирасида 325 минг нафар ёш ўқитилгани эътиборга молик, албатта.

Стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам тизим яратилиб, уларни молиялаштиришга 145 млн. доллар венчур сармоя киритилди. Бу рақам 1 млрд. долларга етказилади. Ушбу ишлар мактабдан бошланиб, ўқувчилар учун “моҳирлик ва бизнес соати” киритилади ва уларнинг гоёсини стартапга айлантиришга 100 млрд. сўм грант ажратилади. Буларнинг барчаси юртимизда эртаимиз эгаларига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 июнь — Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тинглаб, мамлакатимизда бу борадаги ишлар изчил давом этишига амин бўлдим. Ҳар биримизнинг қалбимиздан, юрагимиздан чуқур жой эгаллаган нутқда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган долзарб ташаббуслар илгари сурилди. Бу нафақат шу тadbбирлар иштирок этган ёшлар, балки юртдошларимизни ҳам беҳад қувонтирди.

Маърузада қўтарилган ҳар бир масала ва уларнинг ечимига оид тақлиф ва ташаббусларни тинглаб, уларни қайта-қайта ўқиб, янги Ўзбекистон ёшлари шахсан давлат раҳбарининг эътиборида эканига яна бир бор ғувоҳ бўлдим. Учрашувда қилинган ишлар билан бирга, айрим масалалар тилга олинди ва уларга аниқ ечимлар кўрсатиб ўтилди.

Ёшларга бу даражада катта эътибор қаратилаётгани беҳиз эмас. Чунки давлат ва жамият бошқарувида ҳам, бизнесни тараққий эттиришда ҳам, умуман, барча соҳа ривожига салоҳиятли

ёшлар муҳим ўрин тутади. Улар жамият учун “янги қон” вазифасини ўтайди. Шу нуктаи назардан, юртимизда ҳар бир ёш қаерда яшаши ва ишлашидан қатъи назар, давлатимизнинг доимий эътиборида.

Бугун ўқишга кира олмаган мактаб битирувчилари ёки техникум ва олийгоҳларни тугатаётган талабалар энди қаерда ишласам, деб ташкилотма-ташкилот сарсон бўлмайди. Зеро, уларни банд қилиш бўйича 2 та алоҳида дастур қабул қилинган. Бу борада “Алоқа-банк” ва “Миллий банк”ка 300 млн. доллар ажратилгани, улар “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 100 минг нафар ёшни, “Келажакка қадам” орқали 140 минг олийгоҳ битирувчисини даромадли иш билан таъминлаши, шубҳасиз, минг-минглаб ёшларнинг айни дилидаги ғап бўлиб, уларни фаолликка чорлагани рост.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Миллий банк” билан бирга олийгоҳ, техникум, касбий таълим битирувчиларини иш бевувилар билан боғлайдиган платформани ишга туширади. Мутасадди вазирликлар “Харакатда даромад” электрон тизимини яратиб, таътилдаги 3 млн. нафар ёшни малака талаб қилмайдиган ишлар билан банд этади. Бу шунча оилага даромад қиради, уларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқади, деганидир.

ЎзЛиДеП сайловолди дастурида ҳам ёшларга сифатли таълим бериш, касб-хунар ўргатиш, тadbбиркорликка жалб қилиш орқали иш ўрни яратиш, замонавий инновацияларга йўл очиш, сунъий интеллектни ривожлантириш ва тadbбиркорликни рағбатлантириш асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу тарихий нутқ, унда билдирилган ташаббуслар ҳаётимизда том маънода ижобий тарихий бўрилиш ясайди. Бу жараёнда мамлакатдаги етакчи сиёсий куч сифатида ЎзЛиДеП ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ёшлар ҳаётида, албатта, ижобий ўзгаришлар қилади. Йигит-қизларда мотивация уйғотиб, ўз олдига қўйган катта марраларга эриштиши учун партиянинг барча депутатлик корпуси бир тану бир жон бўлиб, уларга ҳар томонлама қўмак беради. Зотан, бугун катта орзу-мақсадлар билан Ватан тараққиётига ҳисса қўшаман, дея белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган шижоатли ёшларни қўллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Ахтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

ЁШЛАРНИ КЕЛАЖАККА ТАЙЁРЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

XXI асрнинг иккинчи ярми ноанъанавий, барча соҳада аввалгиларга ўхшамаган кескин ва рақобатга тўла давр бўлишидан далолат берапти. Айниқса, мамлакатлар ривожига фақат иқтисодий эмас, инсоний ресурсларнинг замонавий қаҳирикларга қандай жавоб бера олиши билан ўлчаниши кўзга яққол ташланмоқда.

Бугун технологиялар узоқни яқин қиялпти, сунъий интеллект, IT масалаларида эса қутилгандан анча тез олдинга силжишлар рўй берапти. Аммо бундай ўзгаришлардан фақат билимдилар фойдаланяпти, билимсизлар эса йўқ.

Тўғри, бу жуда мураккаб жараён: одатий машина ҳайдаш ёки самолёт бошқариш эмас. Шунинг учун ҳам биз ёшларни мактабданок мана шундай кучли рақобат муҳитига тайёрлаш ҳақида ўйлашимиз керак.

Албатта, кенг имконият ва ресурсларга эга давлатлар бу масалаларга жиддий эътибор қаратиб, аниқ чоралар кўрапти. Ана шундай бир пайтда Ўзбекистон собиқ иттифокдан қолган мерос, коммунистик гоё, боқимандалик — барча муаммоларни давлат ҳал қилиб беради, деган ақидада улғайган одамларнинг фарзандлари ва ҳатто невараларининг онгу тафаккурини трансформация қилишга мажбур. Чунки

бугунги авлод вакилларида ривожланган дунё имкониятлари билан бирга, мафкуравий асоратлар қолдигини ҳам енгиб ўтиш талаб этиляпти ва бу, албатта, уларни ўз тенгдошларидан, яъни аввалдан ана шу рақобатли жамиятларда улғайган ёшларга нисбатан кўпроқ изланишга мажбур қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Ёшлар кунини муносабати билан ўтказган йиғилишида янги авлод вакилларига мурожаат қилиб, рақобатбардош бўлишга қаҳиргани замирида аслида ана шу мақсад мужассам. Бугун мактабни битирган барча ўқувчиларни олий маълумотли қилиш керак, деган хомхаёллар даври ўтди. Ёшларнинг маълум бир қисмида академик билим олишга салоҳияти бўлади, қайси бирларида эса тadbбиркорлик кўникмаси юқори... Дунёнинг “Топ-100” талик университетларига қирадиган болалар ҳам мактабданок кўриниб қолади. Де-

мак, уларни мактабдаёқ ажратиб олиш, керак бўлса, алоҳида ша-роитлар яратиб, рақобатга тайёрлаш лозим. Хунармандчилик ёки тadbбиркорликка лаёқатли болаларга, масалан, 7-синфгача умумий билим берилиб, кейин уларни қўллаб-қувватлашнинг бошқа механизмлари ўйлаб топилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бошқача айтганда, уларнинг ҳаётда ўз йўлларини топиб кетишлари учун давлат йўл кўрсатиши керак.

Йиғилишда Президент айнан шулар ҳақида гапирди. Бу жуда жиддий қаҳирик бўлди, аслида. Бу энди эски мафкуравий коммунистик гоё сарқити — ҳамма тенг, деган гоёни синдириб, ҳақиқий ҳаёт рақобатига тайёрлашга қаратилган даъват ҳам эди. Айни пайтда ушбу даъват ёшларни олдинда кутиб турган жуда оғир ва мураккаб рақобат муҳитидан огоҳлантириш бўлди. Янги Ўзбекистон келажаги

Умуман, янги Ўзбекистонда ёшларга уларни қанчалар яхши кўришимиз, ҳар доим қўллаб-қувватлашимизни айтиш баробарида зиммаларига олишлари керак бўлган масъулият ҳақида гапирши, эслатиш жараёни ҳам бошланди. Зеро, юртимиз келажаги янги авлод тафаккуридаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ.

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари.

ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ

Президентимизнинг яқинда ёшлар билан учрашуви келажагимиз бунёдкорларини яна бир бор катта орзулар ва марралар сари етаклади, десак, муболаға бўлмайди.

Сабаби учрашувда ёшларни қўллаб-қувватлаш, салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқариш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилди, илҳомлантирувчи мисоллар, мамлакатнинг эртанги кунини белгилашга қодир гоёлар ва ечимлар тақдим этилди. Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг инновация, “яшил” иқтисодиёт, креатив саноат, тadbбиркорлик ва IT соҳаларидаги илгор ишланмалари ва ютуқлари билан танишди.

Дарҳақиқат, билагидега куч-ғайрат, ҳар бир ҳаракатида азму шижоат жўш урган, билим ва одобда, ақл-заковатда тенгсиз ёшларимизни кўриб ҳар қандай халқ, ҳар қандай давлат бизга ҳавас қилса арзийди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугун бутун дунё ёшларимизнинг илм-фан, таълим, IT, маданият, санъат ва спортдаги ютуқларини кўриб, салоҳиятимизга баҳо қўймоқда, эртанги кунимиз пойдевори мустаҳкам эканига ишонч ҳосил қилмоқда.

Бугун ривожланган қайси давлатни олманг — Сингапур, Малайзия, Япония, Хитой дейсизми, тарихига назар солсангиз, аввало, ёшлар таълим-тарбиясига эътибор қаратганига, таълимга сармоя киритганига ғувоҳ бўласиз.

Президентимиз ислохотлар бошланган илк кунларданок “илм — тарбия — инновация” занжирини яратишга киришди, бу ҳаракатлар бугун аниқ натижалар бермоқда.

Икки йил олдин ҳалқаро фан олимпиадаларида 7 та ҳудуддан 45 нафар ўқувчи соврин олган бўлса, ўтган олти ойда 166 та медал қўлга киритилди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 минг ёш ўқитилди ва бугун улар IT дан катта даромад толмақда. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган

ҳақида ғап кетганида айтиш керакки, биз ёшларни ана шу жараёнга қай даражада тайёрлай олсак, энг асосийси, дунёқарашларини ўзгартирсак, яқин 20 йилда дунё давлатлари ичида рақобатбардош бўлиш имконига эга бўламиз. Агар бунга эриша оламсак, яна ривожланган давлатларнинг биздан олдинда бўлишларига, уларга қарам бўлиб яшайдиган шароитларга эга бўламиз холос.

Шу маънода, Президентнинг ёшлар билан аънанавий учрашуви ноанъанавий учрашувга ҳам айлан-ди. Жиддийроқ таҳлил қилсак, бу учрашувларда кўтарилаётган ва муҳокама қилинаётган масалаларни чуқурроқ қиёсласак, давлат раҳбари ҳар сафар ёшларни секин-аста кескин ҳамда мураккаб даврдаги рақобат муҳитига тайёрлаб бораётганига амин бўламиз. Яъни уларга масъулият эстафетаси тақдим этилаётганини кўрамиз.

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари.



Ўтган йили юртимиз ёшлари “ТОП-500” талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади.

Ёш тadbбиркорлар ташкил қилган 261 та корхонанинг йиллик обороти 100 миллиард сўмдан ошди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 минг нафар ёш ўқитилди.

150 мингдан зиёд ёшларимиз халқаро тил сертификатларини олди.

Бу йил 35 миллиард долларлик 8 300 та лойиҳа ишга туширилиб, 292 мингта иш ўрни яратилди.

ИЗЧИЛ, МАНЗИЛЛИ ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИ СИЁСАТ

30 июнь — Ёшлар кунини муносабати билан ўтказилган учрашувда давлат раҳбарининг нутқи ва билдирган ташаббуслари ёшларга оид сиёсатнинг изчилиги, манзиллилиги ҳамда кенг қамровли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Нутқда таъкидланганидек, бугунги кунда ёшлар мамлакат ривожидидаги энг муҳим омилга айланган. Таълим, фан, инновация, стартаплар, саноат, санъат ва спорт каби соҳалардаги муваффақиятлар бу фикрни тўла тасдиқлайди. Масалан, “ТОП-500” таликка кирган олийгоҳларда ўқитган Ўзбекистон ёшларининг кўпайгани, “Бир миллион дастурчи”, “Рақамли авлод қизлари”, “Келажақ лидерлари” каби лойиҳалар доирасида минглаб йигит-қизларнинг замонавий билим ва кўникма-

ларга эга бўлаётгани эътиборга молик. Айниқса, 83 млрд. долларлик янги лойиҳалар доирасида ярим миллион иш ўрни яратилиши ва “яшил” иқтисодиёт, муҳан-дислик, геология, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда кадрлар тайёрланиши мамлакат иқтисодий истиқболини белгилайди.

Ёшларнинг нуфузли олийгоҳларга кириши, стартаплар яратиши, сунъий интеллект ва рақамли технологияларга оид билимлар билан қуролланиши учун давлат томонидан кенг

имкониятлар яратилаётир. Президент ташаббуси билан “ТОП-300” таликдаги олийгоҳларга кирган ёшларга 20 минг долларгача имтиёзли кредитлар ажратилиши, стартапларни молиялаштиришга венчур сармоянинг 1 млрд. долларга оширилиши, мактабларда “моҳирлик ва бизнес соати” жорий қилиниши ёшларимиз учун нафақат таълим, балки амалий иқтисодий фаолиятда ҳам мустаҳкам пойдевор яратишга қаратилган муҳим чоралардир.

Шу билан бирга, ҳар бир соҳада ёшлар учун селекция, хорижий тажриба ва лидерлик малакасига эга бўлиш имкониятлари яратилмоқда. “Келажақ лидерлари” дастури ёрдамида ҳар йили 100 нафар иқтидорли ёшнинг раҳбарлик салоҳияти ривожлан-

тирилади. Бу давлат бошқаруви тизимида сифат ўзгаришларининг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва иқтисодий соҳалар билан бир қаторда, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияси ҳам давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Президент ташаббуси билан маданият, китобсеварлик, санъат ва мусика йўналишдаги танловлар ғолибларига қўшимча имкониятлар яратилляпти. “Иқтидор” мактаб ансамбли танловви лоят босқичи ғолибларининг мусика мактабларида бепул таълим олиши ёшларни маънавий ривожлантиришга қаратилган муҳим қадамлардир.

Ғалаба боғида очилган “Миллат фидойилари” мону-

менти ҳам ёшларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу каби гоёвий-маънавий тарбия орқали ёшлар турли зарарли таъсирлардан асралади ва юртга садоқат руҳида камол топади.

Юқоридаги барча ташаббус ва амалий ишлар Президентимизнинг “Сизлар — янги тарих яратадиган олтин авлодсиз” деган сўзлари ортида қанчалик катта ишонч ва масъулият борлигини намоён қилади. Бугунги кунда ёшлар учун берилаётган имкониятлар нафақат уларнинг келажаги, балки янги Ўзбекистоннинг тарақиёти учун ҳам мустаҳкам замин яратмоқда.

Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Инновация

Микробиовак биопрепарати яратилди

Гулистон давлат университети Агробιοтехнологиялар ва биокимё илмий-тадқиқот институтι лабораториясида ўсимликларнинг илдииз тизимидан ажратиб олинган бактерия штаммлари асосида микробиовак биопрепарати яратилди.

— Микробиовак экологик соф органик маҳсулотлар етиштиришда юқори самара берадиган микробиопрепарат ҳисобланади, — дейди илмий-тадқиқот институтι директори, профессор Ҳабиб Кўшиев. — Яъни туپроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликлардан мўл ва сифатли ҳосил оlishда экологик зарарсиз олишга сана-

лади. У ўсимликка суғориш орқали етказилади.

Маълум қилинишича, янги биопрепарат ўсимликларни патогенларга чидамли қилиб, иммунитетини оширади. Биопрепарат ёрдамида ўсимлик уруғининг унвучанлиги ҳам ошади. Экишдан олдин уруғларга 1 литр сувда суюлтирилган препарат билан



ишлов берилади. Томчилатиб суғоришда 4 литр биопрепарат 1 тонна сувга аралаштирилади. Ўсимлик баргига пуркак учун 1 гектар майдонга 4 литр биопрепарат сарфланади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
«Халқ сўзи»).

Хушхабар

«Тулпор» миллий бренди: замонавий ва қулай

Куvasой шахридаги “Пакана” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси филиалида Хитой инвестицияси иштирокида қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш лойиҳасининг қурилиш ишларига киришилди.

— Лойиҳа қиймати 30 миллион доллар ва корхона қурилиши учун 7 гектар ер майдони ажратилди, — дейди Куvasой шахар ҳокими ўринбосари Салимжон Нишонқулов. — Бу лойиҳа доирасида кейинги уч йил мобайнида 300 миллион доллар ҳажмида инвестиция ки-

ритиш режалаштирилган. Шу тариқа бу ерда яқин истиқболда йирик машина-созлик мажмуаси барпо этилади. Эътиборлиси, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ўзига хос кўринишга эга, қишлоқ хўжалиги экинлари ва боғқатор ораларига ишлов беришга



мўлжалланган кенг турдаги тракторлар ишлаб чиқариш белгиланган. Замонавий ва қулай техникалар мамлакатимиз ички бозорига йўналтирилади, шунингдек, Марказий Осиё, МДХ мамлакатларига экспорт қилинади.

Ботир МАДИЁРОВ
«Халқ сўзи»).

Қирғизистоннинг Қарақол шахрида ўтказилаётган «ОУМО» анъанавий маданият ва хунармандчилик фестивалида ўзбекистонлик маҳоратли хунармандлар ҳам қатнашмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ЕОИИ:

САВДО,
ИНВЕСТИЦИЯ,
ТРАНСПОРТ ҲАМКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан муносабатлари мамлакатнинг ташқи сиёсат ва иқтисодий стратегиясида муҳим ўринга эга бўлиб, мазкур халқаро ташкилотга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик биз учун минтақавий интеграцияни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ЕОИИга аъзо

бўлмаса-да, иттифоқ билан муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқда. Бу муносабатлар асосан савдо, инвестициялар, транспорт ва логистика соҳаларида фаоллашмоқда. Мамлакатимизнинг стратегик мақсади ЕОИИ давлатлари билан ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётни модернизация қилиш ва экспорт салоҳиятини оширишдир.



Мушоҳада

ЕОИИ ташкил этилганидан буён ўн йил ичида мустаҳкамланди, аъзо ва кузатувчи давлатларнинг иқтисодий салоҳияти кучайди. Евроосиё иқтисодий иттифоқи муваффақиятли интеграцион бирлашма сифатида шаклланди. Бирлашма доирасида товар айирбошлаш ҳажми жиддий бўлиб, дунёдаги етакчи иқтисодий давлатлар билан тенглаштириш мумкин. ЕОИИда ишсизлик даражаси ҳозирда 2,8 фоизни ташкил этади, бу дунёдаги энг яхши кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сунгги пайларда Евроосиё, Африка, Лотин Америкаси давлатлари ва қатор кўп томонлама тузилмалар билан ўзаро манфаатли алоқалар фаол ривожланмоқда.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари ўзаро ҳисоб-китобларнинг 93 фоизини миллий валюталарда амалга ошираётгани миллий валюталар қадрининг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшапти. Аммо ЕОИИ салоҳияти ҳали тўлиқ ишлатилмаган, ташкилотнинг жаҳон иқтисодиётидаги улушини икки баробар ошириш мумкин. Бугунги кунда тузилма шерик давлатлар билан бирга дунё аҳолисининг бешдан бир қисмини ташкил этади ва ҳудуд бўйича энг катта бирлашма ҳисобланишини инобатга олсак, унинг имкониятлари беқиёс экани ойдинлашади. Шу нуктаи назардан, қўшма савб-ҳаракатлар орқали Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари ноёб ва бренд маҳсулотларни яратишлари ҳамда уларни жаҳон бозорига олиб чиқиши мумкин. Транспорт-логистика тармоғини ривожлантириш зарур, шунда бирлашма ўзини глобал транзит маркази сифатида позициялаштириши мумкин бўлади. Миллий иқтисодиётлар бир-бирини тўлдириши лозим, бир хил товарлар ва такрорий ишлаб чиқаришлар билан рақобатлашмаслик керак. Шундангина Евроосиё иқтисодий иттифоқи шунчаки майдон бўлиб қолмайди, янги иштирокчилар учун жозибадор бўла олади.

Кези келганда айтиш жоизки, ЕОИИ ҳудуднинг стратегик жойлашуви транзит йўллари учун катта салоҳиятга эга. Транспорт-логистика тармоғини ривожлантириш орқали иттифоқ давлатлари ўзини дунёдаги муҳим транзит ҳаблари билан бири сифатида намойиш эти-

ши мумкин. Бу эса қўшимча даромадлар ва инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради. Бу борада Ўзбекистон “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон”, “Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон” транспорт йўлакларини, Россия “Шимол — Жануб” ташаббусларини илгари суряпти. Янгиланган транспорт инфратузилмаси қурилиши ва ундан фойдаланиш эса минтақавий иқтисодий фаоллик кучайишига, янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли даромадлари ошишига сабаб бўлади. Қолаверса, рақобатни камайтиради ва маҳсулотлар сифатини оширишга имкон беради. Товарлар, капитал ва

салоҳиятини оширишга ёрдам бermoқда. Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан муносабатларида сиёсий ва иқтисодий манфаатларни мувозанатлаштириш муҳим. Мамлакат минтақада барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш мақсадида барча шериклар билан конструктив мулоқотни давом эттирмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият беради, айниқса, савдо шартномалари ва инвестиция лойиҳаларида.

Кузатувчи давлат мақомидаги турт йиллик ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатла-

“**Икки томонлама ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ва ЕОИИ давлатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон маҳсулотларининг ЕОИИ бозорларидagi рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилади. Транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик йўллари кенгайтиргани эса минтақавий транзит салоҳиятини оширишга ёрдам бermoқда.**

меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракатини рағбатлантириб, бирлашманинг умумий иқтисодий салоҳиятини оширади. ЕОИИ ўн йил аввал ташкил этилган бўлиб, унга Россия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон ва Арманистон киради. Ўзбекистон ва Куба кузатувчи давлатлар мақомида. Ташкилотнинг умумий иқтисодиёти ўсиш суръатлари жаҳон ўртача кўрсаткичларидан юқори: 2024 йил якунига кўра, иттифоқнинг ялпи ички маҳсулоти 4,4 фоиз ўсди, жаҳонда эса бу кўрсаткич 3,3 фоизни ташкил қилди. Бирлашма давлатларининг умумий ЯИМ 17 фоиздан кўпга ошди, бу — 2,5 трлн. доллар демек. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми, жумладан, қўшма инвестиция лойиҳалари ҳисобига 29,1 фоиз ўсди.

Икки томонлама ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ва ЕОИИ давлатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон маҳсулотларининг ЕОИИ бозорларидаги рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилади. Транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик йўллари кенгайтиргани эса минтақавий транзит

ри билан ташқи савдо айланмаси 80 фоиз ўсди ва 2024 йил якуни бўйича 18 млрд. долларни ташкил этди. Савдо операциялари номенклатураси, авваламбор, саноат маҳсулотларини етказиб бериш ҳисобидан кенгаймоқда. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони уч баробар ўсди. Жорий йилнинг март ойида Қўшма ишчи гуруҳининг тўртинчи мажлиси муваффақиятли ўтказилиб, унинг якунида техник тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ишбилармонлик ташаббусларини рағбатлантириш бўйича келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон кузатувчи давлат мақомида бўлса-да, 40 та аниқ чора-тадбирни қамраб олган, уч йилга мўлжалланган янги режани амалга оширишга киришди. Мамлакатимиз, шунингдек, ЕОИИнинг муҳим ташаббусларида, жумладан, “Евроосиё агро экспресс”, электрон савдон ривожлантириш, юлклари ташишни рақамлаштириш ва иқлим масалалари каби лойиҳа ҳамда дастурларда фаол иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон апрель ойида Евроосиё тараққиёт

банкни таъсис этиш ҳақидаги битимга қўшилди. Банк билан ҳамкорликда инфратузилмани модернизация қилиш, металлургия, тўқимачилик, кимё соҳалари ва бошқа стратегик тармоқларда истиқболли лойиҳалар портфели ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг ййилишидаги нутқида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан шерикликни янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди. Энг аввало, Ўзбекистон ўзаро савдо айланмасини кенгайтириш учун қўлай шартлошни шакллантиришга муҳим аҳамият қаратапти. Мамлакатларимиз ўртасидаги эркин савдо ҳудуди фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ барча келишувни тўлиқ ҳажмда бажармоқда.

Мамлакатимиз, шунингдек, савдон қўлаб-қувватлашда техник тартибга солишнинг рақамли тизимлари ва иттифоқнинг рақамли транспорт йўлакларини экотизими, Евроосиё қайта сўғурталаш компанияси каби восита ва механизмларга қўшилишдан манфаатдор. Бу Ўзбекистонлик тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун шариотни сезиларли даражада енгиллаштириш, мамлакатларимизнинг товар бозорларига киришда қўлай имкониятларни таъминлайди.

Иккинчидан, замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олиб, рақамлаштириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик қилиш ҳам катта истиқболга эга. Шу нуктаи назардан, Президентимиз электрон савдо, маҳсулотларнинг рақамли маркировкаси, янги авлод логистика платформаларини яратиш, аниқ

Демак, Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида амалий ҳамкорликни кенгайтиришга содиқ, 2020 йилнинг 11 декабрида кузатувчи мақомига олган Ўзбекистоннинг тақлиф ва ташаббуслари, амалий ғоялари ЕОИИ доирасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга ҳисса қўшапти. Ўзбекистоннинг кўп томонлама дастур ва лойиҳаларда иштирок этиши иқтисодий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади ва бугунги шариотда мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишига имкон беради. Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан муносабатлари минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш ва иқтисодий ривожланишни тезлаштиришга қаратилган стратегик йўналишдир. Бу ҳамкорлик орқали Ўзбекистон ўз иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги бозорларга чиқиш ва минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш имконига эга бўляпти. Кейинги йилларда ушбу алоқалар янада фаоллашиб, икки томон учун ҳам манфаатли натижаларни бериши кутилмоқда.

тармоқларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича йўналишларни қамраб олган алоҳида дастур қабул қилишни тақлиф этди.

Шунингдек, Ўзбекистон ўтказиш пунктларининг ягона интеграллашган ахборот тизимида қатнашишдан манфаатдор. Бу, аввало, чегаралардан ўтишни тезлаштириш, мониторинг самарадорлиги ва барча жараён шаффофлигини таъминлаш имконини беради. Ўзбекистон техник жиҳатдан бундай лойиҳаларда фаол иштирок этишга тайёр.

Учинчидан, кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ишга туширилган дастурлар, жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи Ишбилармонлик кенгаши билан қўшма чора-тадбирлар доирасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш тақлиф этилди.

Тўртинчидан, мамлакатимиз саноат соҳасидаги лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда саноат кооперацияси ва технологиялар трансфери бўйича Евроосиё тармоғи платформаси имкониятларидан фойдаланишдан ҳам манфаатдор.

Бешинчидан, бугун жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган мураккаб вазиятлар, протекционизм ва санкциялар сиёсатининг кучайиши, савдо-логистика занжирларининг бузилиши ва хорижий шерикларнинг инвестициявий фаолиги қисқариб бориши оқибатларининг салбий таъсири деярли барча давлатда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам сезилимоқда. Шу маънода, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлиги учун имкониятларни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда савб-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим. Ўзбекистон эса Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан агрокооперация дастурини қабул қилиш ҳақидаги ташаббусини илгари сурган. Ушбу дастур илгор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳаракатланиши тартибларини соддалаштириш, “яшил” йўлакларнинг самарали фаолияти ва уларни кенгайтиришни назарда тутди.

Олтинчидан, Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги ҳамкорлиги билан биргаликда меҳнат ресурслари тартиб-таомилларини соддалаштириш ва сафарбар этилишини ошириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Шу муносабат билан меҳнат бозорига талаб катта бўлган соҳаларда профессионал стандартлар ва малака талабларини яқинлаштириш масалалари бўйича экспертлар маслаҳатлашувларини ўтказиш тақлиф этилди. Ўзбекистон ташкилот доирасида жорий этилган “Чегара билмайдиган иш” интеграциялашган платформасига ҳам қўшилиши айтилди.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

Қизиқиш билдиришга сўров

«Ўзбекистонда Рақамли Инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZB.

Хизмат тавсифи: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ўзбекистонда Рақамли Инклюзивлик” лойиҳаси доирасида UZ-DIP-497864-CS-INDV — Япония бозорининг BPO ва ITES йўналишлари бўйича мутахассис хизматлариغا мувофиқ халқаро шахсларни (“Индивидуал консультант”) қизиқиш билдиришга тақлиф қилади.

Қизиқиш билдиришнинг охириги мuddати:
2025 йил 21 июль.

Батафсил маълумот учун: udip@it-park.uz,
(+99871) 209-11-99, (+99890) 929-60-49.

НАМАНГАНДА
НИМА ГАПЛАР?Халқаро гуллар
фестивали давом этади

Хабарингиз бор, Наманган шаҳридаги Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда “Афсоналар водийси” тематик паркида қарийб қирқ кундан буён 64-Халқаро гуллар фестивали давом этмоқда.

Анжуман дастуридан ўрин олган маданий тадбирлар ранг-баранг бўлиб, иштирокчиларнинг ҳар бири алоҳида мазмунга йўналтирилган гул кўргазмалари, миллий ўйинлар ва санъаткорларнинг бетақдор чиқишлари ҳамда бошқа кўнгилочар томошалардан олам-олам завқ олишаётир.

— Фестиваль нафақат юртимиз аҳли, балки дунёнинг қатор мамлакатларидан ҳам нафосат шайдоларини ўзига жалб этаётгани билан аҳамиятли, — дейди Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Ботиржон Нуриддинов. — Буни байрам томошаларидан баҳра олиш учун ҳозирги кунга қадар 7 миллиондан зиёд меҳмонлар ташриф буюргани, уларнинг 700 минг нафардан кўпроғини эса хорижий сайёҳлар ташкил қилганидан ҳам билиш мумкин.

Айтиш лозимки, ҳар йилгидан ўзгача шукуҳда ўтаётган гуллар сайлида қатнашиш истагидида нафосат шайдолари оқими камайгани йўқ. Ташкилотчилар шуни ҳисобга олиб, фестиваль даврийлигини яна икки ҳафтага узайтиришга қарор қилди. Демак, бу йилги анжуман шодиёналари давом этади.

Фаол тадбиркор —
эҳтиёжманд оилаларга
мададкор

Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти бошқармаси томонидан маҳаллий иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркор Қудратбек Абдуллаевнинг ёшлар билан учрашуви ташкил этилди. Уч мингдан зиёд 9 — 11-синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган мулоқот чоғида қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Салоҳиятли тадбиркор, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож 20 та оиланинг олийгоҳларда тахсил олаётган фарзандлари тўлов-шартнома харажатларини ўзи раҳбарлик қилаётган “Афсоналар боғи” масъулияти чекланган жамияти тўлиқ қўлаб беришини айтди. Бундан ташқари, яна 20 нафар ёш махсус масофавий таълим дастурларига жалб этилади. Уларнинг ўқиш харажатлари ҳам молиялаштирилиб, машғуллотлар якунида муқим иш билан таъминланади.

— Бугунги учрашувда ишбилармон юрtdошларимиз элга мададкор бўлаётганининг яна бир амалий исботини кўрдик, — дейди битирувчи синф ўқувчиси Хайрулло Бекмирзаев. — Бундай инсонлар савби қанча кенгайса, шунча яхши. Саховатли тадбиркорнинг ёшларни оғалиққа олиш борасидаги ушбу ташаббуси бизга гўёки қанот бағишлади.

Тошлоқликлар
томорқасига ҳам
оқар сув келди

Тўрақўрғон туманининг Тошлоқ маҳалласидаги хонадонлар чорак асрдан буён экинларни суғоришда жиддий муаммога дуч келишарди. Гап шундаки, улар ноиложликдан сизот сувларни насослар орқали тортиб, экинларни амал-тақал суғоришга мажбур бўлаётганди.

Яқинда ана шу муаммо ҳал этилди. “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ажратилган 3 миллион 195 миллион сўмдан зиёд маблағ ҳисоби-га ҳудуддан 7 километр узоқликда оқиб ўтувчи Шимолий Фарғона каналидан алоҳида қузувлар тортилди ва маҳаллага оқар сув келтирилди.

— Аҳолининг узоқ йиллик орзуси амалга ошди, бунинг учун давлатимиздан миннатдоримиз, — дейди “Тошлоқ” МФЙ раиси Фарход Маматов. — Бугунга келиб 670 та хонадон сув билан тўла таъминланди. Энди деҳқончиликдан кўнглимиз тўқ, экинларимиз ашнайдди, маҳалладошларимиз ризқ-рўзига барака киради.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистоннинг биринчи аёл фоторепортёри Дина Хожаванинг «Дублсиз олинган фотосуратлар» номли шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 845 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.

Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.45 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6